



Ислом Нури

«Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ таоло айтади:»

Абу Зар Ғифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳ азза ва жалладан ривоят қилиб дедилар: «Аллоҳ таоло айтади:

- Эй бандаларим, Мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим. Уни сизларнинг ўртангизда ҳам ҳаром этдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилмангиз.
- Эй бандаларим, барчаларингиз залолатдасизлар. Фақат Мен ҳидоят этганларгина бундан мустасно. Бас, Мендан ҳидоят тиланг, сизларни ҳидоятга йўллайман.
- Эй бандаларим, барчаларингиз очсизлар. Фақат Мен таом берганларгина (оч эмас). Бас, Мендан таом сўрангиз, сизларни таомлантираман.
- Эй бандаларим, барчаларингиз яланғочсизлар. Фақат Мен кийинтиргангина (яланғоч эмас). Бас, Мендан кийинтиришимни сўранглар, сизларни кийинтираман.
- Эй бандаларим, сизлар кеча-ю кундуз хато қиласизлар. (Фақат) Мен барча гуноҳларни мағфират этаман. Бас, мендан мағфират тилангиз, сизларни мағфират қиламан.
- Эй бандаларим, сизлар Менинг зараримга (яъни Менга зарар етказиш даражасига) ҳеч қачон етолмайсизлар-ки, Менга зарар берсангизлар! Менинг нафимга ҳам асло етолмайсизлар-ки, Менга наф берсангизлар!



Ислом Нури

- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз орангиздаги бир энг тақводор инсоннинг қалбидек (тақводор) бўлса ҳам бу Менинг мулкимга ҳеч нарса зиёда қилмайди.
- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз энг фожир инсоннинг қалбидек (фожир) бўлса ҳам бу Менинг мулкимдан бирон нарсани камайтира олмайди.
- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз бир жойга тўпланиб Мендан (ҳожатларини) сўрасалар ва Мен уларнинг ҳар бирига сўраган нарсасини берганимда ҳам, бу Менинг ҳузуримдаги нарсаларни игна денгизга ботирилганда (денгиз сувидан) қанчалик камайтирадиган бўлса, ўшанча миқдорда камайтиради.
- Эй бандаларим, мана шу амалларингиз, Мен уларни ҳисоблайман ва шунга қараб сизларга тўлиқ жазо-мукофот берурман. Ким яхши мукофотни топса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин. Ким бошқа нарсани топса, фақат ўзини маломат қилсин!» (Имом Муслим ривояти).

«...» :...»
...»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга юборар эканлар: «Мазлумнинг дуосидан сақланинг! Зеро, у билан Аллоҳ ўртасида парда йўқдир», дедилар (Имом Бухорий ривояти).



Шарҳ:

Зулм энг қабих сифатлардан бўлиб, у фақат зўравон, мутакаббир ва Аллоҳнинг буюклигини ва Унинг азоби қаттиқлигини унутган кимсадан содир бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло комил адолати туфайли зулмни Ўзига ҳаром қилган ва бандалари ўртасида ҳам ҳаром қилган, зулм қилувчи кимсаларга қаттиқ азоб борлиги билан огоҳлантирган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Зулм ҳаромдир, ундан қаттиқ қайтарилган;
2. Мазлумнинг дуоиси ижобатдир.